

**Матқосимова Мохирахон Эркинбек қизи**

Андижон давлат чет тиллари

институти ўқитувчиси

---

## **КҮП ТИЛЛИК ТЕМАТИК ТАСВИРИЙ ЛУГАТЛАР ЯРАТИШДАГИ МУХИМ МАСАЛАЛАР**

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада күп тиллик тематик тасвирий лугатлар яратишдаги мухим омиллар, лексик бирликларнинг таржима муаммолари, шунингдек, бу каби лугатларнинг тил ўрганишдаги ўрни ҳақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** тасвирий лугатлар, күп тиллик тематик лугатлар, тамойил, лексик бирликлар, таржима муаамоси.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье описаны важные факторы создания многоязычных тематических визуальных словарей, проблемы перевода лексических единиц, а также роль таких словарей в изучении языка.

**Ключевые слова:** описательные словари, многоязычные тематические словари, принцип, лексические единицы, проблема перевода.

**ABSTRACT:** This article describes important factors in the creation of multilingual thematic visual dictionaries, problems of translating lexical units, and the role of such dictionaries in language learning.

**Keywords:** descriptive dictionaries, multilingual subject dictionaries, principle, lexical units, translation problem.

---

Тасвирий лугатлар ўқув лугатларининг алоҳида гурухига киради, таълим воситаси график расмларда ифодаланган бўлади ва хорижий тилни ўрганишда самарали фойда бериши кафолатланади. Лугатдаги тасвирлар графикаси оддий расмлардан тортиб, кўплаб турли туман расмларни камраб олади. Расмларнинг шакли мега-, макро- ва микроструктурали лугатларида турли қамровли бўлади.

Кўп тилли тематик тасвирий лугатлар республикамиз таълим муассалари учун мухим ўқув қўлланмадир. Ҳозирги хорижий тилга қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда кўп тилли тасвирли лугатларнинг тематикалаштирилиши маълум касбдаги тил ўрганувчиларга касбга оид сўз ва ибораларни пухта ва осон ўрганиш имконини беради.

Кўп тилли тематик тасвирий ўқув лугатларидаги тасвирларни мавзулар асосида танлаш, уларни жойлаштириш, тасвирларни семантизация қилиш, қолаверса уларни таржима масалалари муаллифлардан мардонавор меҳнатни талаб қиласди.

Бундай тематик лугатлар ўқув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади ва ўқувчиларда хорижий тилга бўлган қизиқишлигини кучайтиради, шунинг билан бирга ўқитилаётган материални тўла ўзлаштиришга ижобий таъсир қиласди.

Тематик тасвирий лугатларининг кўп тилларда амалга оширилиши ўқувчиларда бир неча хорижий тилни қиёслаш асосида ўрганишга имкон беради ва материални ўзлаштиришда

тасвиirlарни берилиши нафақат таълимий, балким тарбиявий мақсадни ҳам амлга оширишга имкон беради.

Тасвирий кўп тилли ўқув луғатларини дунёга келиши ўқув луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти учун ҳам мухим масалалардандир, чунки бугунги кунда республикамиз дунё хамжамиятида тарққий этаркан унга кўп тиллар билан мутахассислар зарурияти кундан кунга ортиб бормоқда.

Ҳар бир таълим муассалари учун кўп тилли тематик тасвирий ўқув луғатларини тузиш масаласи биз ёшлар олдимизда турган вазифалардандир. Ўйлаймизки, ушбу битирув малакавий ишида келтирилган кўп тилли тематик тасвирий луғатлар тузишга доир фикрлар луғат тузишдек хайрли ишларда оз бўлсада ёрдам беради. Тасвирий ўқув луғатидаги график расмлар сўз ва ибораларнинг маъно қўламини тушунтириб беради, ёки асосий маълумотлар учун қўшимча материал бўлиб хизмат қиласди. Шундай булса ҳам кўп тилли тематик тасвирий луғатлар тузишда лекик бирликларнинг ахамияти бекиёсdir. Тематик тасвирий луғатда расмларни қўйидаги тамойил асосида таснифланса:

Тасвиirlар тематикаси;

рангли безак;

катта кичикилиги;

график воситалар;

ишончлилиқ;

расмларни луғатда жойлаштириш;

тасвирининг мураккаблиги;

тасвирининг функцияси;

маълумотлар қамрови;

ифодаланаётган сўз туркуми,

луғатдаги лексик бирликлар қўйидаги тамойиллар бўйича шакллантирилади:

луғатнинг кимларга мўлжалланганлигига кўра тематикани

аниқлаш;

тематик сузларни мавзулаштириш;

тематик мавзуларни алфавит тартибиغا келтириш;

тематик мавзулар асосида асосий лексик бирликларни аниқлаш;

лексик бирликларни суз туркумлари асосида тизимлаш;

отларнинг грамматик категорияларини аниқлаш;

фөълларнинг бошқарувини аниқлаш;

предикатив лексик бирликларни аниқлаш;

бошқа тиллардан кириб келган сўзларнинг фонетик

транскрипциясини бериш;

мавзуга оид ибораларни аниқлаш;

Тематик тасвирий луғатлар тузишда лексик бирликларни тўғри таржима қилиш масаласи нечоғлик аҳамиятли эканлигини тасвириларнинг лексик ифодаларисиз тушунарсиз бўлишидан билиш мумкин. Тасвирий тематик луғатларда семантикани тасвир ва лексик бирлик тўлдиради, яъни улар бир бирини тўлдириб, маънони ташкил этади.

Кўп тилли тасвирий луғатларда лексик бирликлар бирламчи хисобланади. Улар луғат составига биринчи ўринда киритилади, кейин унга мос равища тасвир жойлаштирилади.

Кўп тилли тематик тасвирий луғатларда, маълумки, икки ёки ундан ортиқ тил лексик бирликлари иштирок этади. Бунга кўра қўйидагиларни билиш мақсадга мувофиқдир:

1. Таржима қилинувчи (Л1) ва таржима қилувчи (Л2) тиллар лексик бирликларини пухта билиш,
2. (Л1) ва (Л2) нинг тил қурилиши ва грамматикасини мукаммал билиш,
3. таржима жараёнида (Л1) ва (Л2) нинг қайси тил оиласарига мансуб эканлигига этибор бериш,
4. (Л1) ва (Л2) нинг стилистик воситаларига эътибор бериш ва уларни тұғри таржима қилиш,
5. таржима жараёнида лексик бирликларни тематикалаштира олиш,
6. луғат тузишда хар иккала тилга оид ўқув ва тематик луғатлардан тўғри фойдалана олиш.
7. тематик мавзулар бўйича тасвириларни тематикалаштириш ва тўғри жойлаштириш.
8. лексик бирликларни таржима қилиш жараёнида тасвириларга уйғун шакилда амалга ошириш,
9. тилдаги реалиялар ва ўз қатламга хос лексик бирликларга эътибор бериш в.х.

Мактаб ўқувчилари учун немисча- ўзбекча кўп тилли тематик тасвирий луғат график тасвирилар билан бирга орфографик иловалар, грамматик белгилар, таржима, сўзларнинг изохи, сўзларнинг гаплардаги ишлатилиш шакли, синонимлар ва антонимлар хақида хам маълумотларни ўз ичига олади.

Ўқувчиларни истак ва талабларини хисобга олган холда тузилаётган тематик тасвирий луғатда лексемаларни инглизча ва русча таржималарини бериш хам мумкин. Бу холатда луғат кўп тилли хусусиятга эга бўлади ва ишлатилиш кўлами кенгаяди.

Тематик тасвирий кўп тилли луғатнинг долзарблиги ўзбек ўқувчилари учун таълимий ва тарбиявий вазифаларни хам ўз ичига олади. Ундан ташқари ўқувчи бир неча тилни паралел шаклда ўрганиб боради . Бу типдаги луғат Ўзбекистон

Республикасидаги илк ўқув луғатларидан хисобланади. Бундай турдаги луғатлар ўқувчиларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини яна хам оширади, ўқувчиларни тил ўрганишдаги вазифаларини ечишга имкон беради, зарурий маълумотлар билан таъминлади, ўқувчилар дунёқарашларини кенгайтиради, уларни эстетик ва тарбиявий функциясини бажаради.

Темтаик тасвирий луғати сўзликларининг мақсади график тасвиirlар (фотографиялар, расмлар, хариталар, жадваллар, схемалар графикаси) орқали лексемаларни лексикографик нуқтаи назардан тахлил қилиш ва уларни маълум тематик мавзулар асосда алоҳида ўрганиш имконини беради, улар турли хил функцияларни бажаради (номлаш, баён қилиш, энциклопедик, культурологик в.б..) хар хил сўз туркумлари (от, сифат, феъл в.б.) асосда ўрганилади. Тасвиirlар предметлар қисмларини, предметларини ўзларини, воқеа ходисаларни, миллий реалиялар в.б. ифодалайди ва кўплаб лексемаларни интерпретация қиласди.

Унификация тамойиллари (сўз бирикмасининг тилшуносликдаги қўлланилиши, материални концептуаль ва тасвир асосида изохлаш масаласи микроструктуранинг тузишдаги асосий тамойиллардан хисобланади. Социологик тадқиқотларга таянган холда тасвиirlи луғатга қуйидаги маълумотларни беришни мақсадга мувофиқ деб хисобладик.: фонетик транскрипция, грамматик сўз туркумга хослиги, таржима, изохлаш, лексемаларни нутқдаги қўлланишига доир мисоллар, синонимлар ва антонимлар. Бу маълумотлар ўқувчиларда коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Шундай қилиб куп тилли тематик тасвирий луғат ўқувчилардаги барча таълимий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласди. Шунингдек ўқувчилардаги ижодкорлик фаолиятини ривожлантиради. Тематик тасвирий ўқув луғатидаги лексемаларни системалаштириш масаласи асосан дарслик ва ўқув қўлланмалардаги бериладиган мавзулар асосида тузилиши талаб қилинади. Ўрта умумтаълим мактаблари ва АЛ ўқувчилари учун тасвирий ўқув луғати тузилиши маҳсус амалга оширилиши зарурдир.

Кўп тилли тематик тасвирий ўқув луғатларини тузиш масаласидаги лексик бирликларни семантизацияси масаласи ўқув материалини тўла ўзлаштириш билан боғлиқ масалаларидандир. Берилган тасвиirdаги маънони тўғри, тўлақонли ифодалаш талаб этилади ва сўзларнинг маъно кўламлари қамрови ўқувчилар давомида мактабларни ифодаланиши керак.

Жумладан, лексек бирликларни ортиқча маълумотлар билан семантизация қилиш хам ўқувчилар дикқатини чалғитади ва улардаги материалга нисбатан қизиқишлари сусайди. Шуни хисобга олган холда лексик бирликларни семантизация қилаётганимизда ўқувчиларни ёш хусусиятларига мос холда аниқ ва равон шаклда ифодалашимиз талаб этилади.

Ўқув луғатдаги лексик бирликларни ўқувчининг она тилисига таржима қилиш хам луғатнинг асосий масалаларидан хисобланади, чунки таржима орқали ўқувчилар сўз ва ибораларнинг семантизациясини тушуниб оладилар ва ўз нутқларида қўллаш имкониятига эга бўладилар. Тасвиirlарни таржима масаласида қуйидаги уч тамойилга асосланишимиз зарур:

- хорижий тилдаги лексик бирликларни она тилимизга мутаносиб варианtlари орқали таржима қилиш;

- хорижий тилдаги лексик бирликларни қисман баён қилиш орқали таржима қилиш;

- хорижий тиллардаги хос сўзларни, яъни реалияларни тасвиirlар асосида изохлаш йўли билан таржима қилиш.

Тасвиirlи ўқув луғатларидаги сўз ва сўз бирикмаларининг таржима қилиш масаласи мухим масалалардан хисобланиб, луғатнинг муваффақиятли чиқишига хам таъсир кўрсатувчи омиллардандир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Умархўжаев М.Э. Немис тили лексикологияси ва фразеологияси.

Андижон, 2010.

2. Умархўжаев М.Э. Инглизча - олмонча – ўзбекча - тематик тасвирий луғат.

Андижон, 2012.

2. Schippan Th. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Tübingen, 2002.